



СЎЗ ВА СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИ ТИЛ ҲОДИСАСИ СИФАТИДА ЎРГАНИШДА КОГНИТИВ ЁНДАШУВ

Муратходжаева Ф.Х.


ЎзДЖТУ, Инглиз тили 2 факультети Катта ўқитувчи

Аннотация: Мақолада сўз ва сўз бирикмаларининг когнитив-семантик таҳлили ва таржима матнлардаги ифодаси масалалари ёритилган. Тилшунослик масалаларининг когнитология муаммолари билан бевосита боғлиқлиги, тил ва тафаккур бирлиги, тил бирликларининг тафаккур бирликларига мутаносиблиги таъкидланган. Сўз ва сўз бирикмасининг систем-структур тилшунослик, психолингвистика, социолингвистика каби бир қатор лингвистик соҳаларда тадқиқи этилиши, тил бирликлари семантик хусусиятлари талқинида интегратив ёндашув зарурлиги қайд этилган. Когнитив тилшуносликнинг инсон ақлий фаолияти билан шуғулланувчи соҳа эканлиги, лингвокогнитив таҳлилнинг асосида лисоний билим ётиши изоҳланган.

Калит сўзлар: сўз, луғавий маъно, тушунча, сўз бирикмаси, идрок, тафаккур, лисоний онг, лисоний билим, ментал лексика, сунъий интеллект, метафора, фразеологизм, таржима, транслитерация, таржима масалалари, таржима муаммолари.

Инсон тафаккури оддийдан мураккабга қадар такомиллашиб борган. Даставвал, инсон Америка бихевиористлари мушоҳадаларининг моҳиятида акс этган предмет тафаккурига эга бўлган. Яъни реал нарса-ҳодисани, воқеликни идрок эта олган. Кишилик жамияти тараққий этган сари тафаккур даражаси ҳам ўзгарди. Инсон муайян кўринишга, шаклга, белгига эга бўлган нарса-буюм идрокдан мавҳум воқеликни идрок этишгача бўлган ривожланиш босқичини босиб ўтди. Бу хусусият ёзма нутқ ифодаси бўлган ёзув тараққиётида ҳам кузатилади. Инсон нарсанинг ўзини тасаввур қилди, уни хотирасида сақлади. Тил кишилик жамияти асосида шаклланган ва табиат ҳамда жамият ҳодисалари, олам манзарасини инсон онгида акслантириш омили сифатида юзага чиқди. Нутқнинг шаклланиши билиш, идрок қилиш жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилди. Оламнинг лисоний манзараси тил воситасида хилма-хил тасвирларга эга бўла борди. Тил инсон тафаккурини бойитувчи омил сифатида баҳоланади. Инсон нутқи тафаккур ифодаси сифатида ижтимоий-маданий муносабатларни, психик-физиологик ҳолатларни акс эттириш имконини кенгайтди.

Мантиқ илмида ҳам тил ва тафаккур муносабатларига алоҳида эътибор берилган. Тафаккур бирликлари мантиқ фанида, тил бирликлари категориал тизим сифатида тилшуносликда ўрганилади. Тилшунослик назариясига оид аксарият адабиётларда тафаккурнинг умуминсоний характерга эга бўлиши,





тил, унинг қонун-қоидалари миллий характер касб этиши таъкидланган. Дунё тилларининг қонун-қоидаларига кўра бир-биридан фарқ қилиши, тафаккур шакллари, тамойиллари эса инсонларнинг миллати, ирқи, давридан қатъи назар, ҳаммада бир хил бўлиши қайд этилган¹. Лекин кейинги йилларда замонавий йўналишдаги тадқиқотларда тилга олинаётган “ментал лексикон” тушунчаси миллий белгиларнинг тафаккурда ҳам акс этишини кўрсатади.

Ахборот асрида “ментал лексикон” тушунчаси кенг қўлланмоқда. “Ақлий луғат”, “Ассоциатив луғат” каби тафаккур маҳсуллари яратилмоқда.

Ментал лексикон кенг маънода сўзларнинг шахс онгида қандай тақдим этилиши ва тизимлаштирилиши билан боғлиқ тафаккур маҳсулидир. Ментал лексикон психолингвистика ва когнитив тилшуносликда қўлланади.

Ментал лексикон билан бир қаторда унинг таржимаси сифатида “ақлий лексика” термини ҳам қўлланмоқда. Бу – тўғри эмас. Чунки, *ақлий лексика* рус тилида “умная лексика”га тўғри келади. Бу бирикув услубий жиҳатдан хатодир. Иккинчидан, “ментал” ва “ақл” тушунчалари айнан тенг эмас. *Ментал* бирлиги *ақл* сўзига нисбатан кенг тушунчани ифода этади.


Ментал лексикон инсонга маълум бўлган ҳамда мулоқот қилиш учун зарур бўлган барча тушунчаларни ўз ичига олади. Тадқиқотларда ментал лексикон “таърифлаб бўлмайдиган маълумотлар омбори” сифатида тавсифланади. Шартли равишда мазкур тушунчалар омборини “луғат” деб ҳам аташмоқда. Ментал лексикон семантикага асосланади. Ментал лексикон нарса-буюм, воқелик, унинг элементлари ва уларга оид маълумотларни ўз ичига олади. Масалан, *Бу қиз менга маъқул* ва *Бу қиз ҳам ёмон эмас* жумлаларида қатъий равишда ижобий белгилар ифода этилган. Шунга қарамай, улардан англашиладиган мазмунда фарқ бор. Биринчи жумлада салбий белгилар кўзга ташланмайди, иккинчи жумлада эса ижобийликнинг салбий белгилар билан туташ чегараси акс этган.

Ментал лексикон сўзларни жумлалар яратиш учун қандай қилиб танлаш ва бириктириш функциясини бажаради. Ментал лексиконда элементларнинг синтактик имкониятлари ва валентлик хусусиятлари ҳам намоён бўлади. Масалан, *шер келбатли, арслон келбатли бирикмалари, шерюрак* қўшма сўзи фақат эркаклар учун белги сифатида олинади.

Ментал лексикон шахсга маълум бўлган барча нарса-буюм, ҳодисани ўз ичига олади. Маълумотлар омбори сифатида мазкур билимлар базаси муттасил янгиланиб туриши, айрим тушунчалар эскириши, истеъмолдан чиқиши мумкин. Неологизмларнинг кириб келиши, сўзларнинг эскириб, тарихий ва архаик қатламга айланиши шундан далолатдир.

Ҳар қандай сўзликлар маълум бир тамойилларга амал қилган ҳолда тартибланади. Масалан, луғатлар алифбо тартибида ёки ЛСГ (лексик-семантик гуруҳлар) асосида жойлаштрилиши мумкин. Ментал лексикон ассоциатив

¹ Ҳайруллоев М., Ҳақберdiyev М. *Мантиқ*. –Т., 1993.





тажрибалар, шунингдек, нутқ нуқсонлари, меъёрдан чекинишлар асосида текширилади. Психоллингвистика, нейролингвистикага оид тадқиқотларда хорижий тилни ўзлаштириш жараёнида ментал лексикондаги ўзгаришлар, лисоннинг чет сўзлар ҳисобига бойиши, луғат фондининг фаол ва нофаол қатламга ажралиши, тушунчалардаги семантик муносабатлар, ассоциатив занжирлар лексиконнинг тармоқли тасвири, ментал луғатнинг график модели асосида ёритилади. Хорижий тил асосида бойиган лисон ассоциатив-вербал тармоқ маҳсули сифатида мулоқот жараёнини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Xayrullayev M., Haqberdiyev M. Mantiq. –T., 1993.
2. O'TIL–O'zbek tilining izohli lug'ati. II. –Toshkent: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. – 672 b.
3. Mirtojiev M. O'zbek tili semasiologiyasi. – Toshkent, 2010.
4. Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. –Toshkent, 2010.
5. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik. –Jizzax, 2006.

